

«ТАСДИҚЛАНГАН»
«IMKON FINANS mikro kredit tashkiloti»

акциядорлик жамияти Кузатув
кенгашининг 25.11.2020 йилдаги

йиғилиши баённомаси

Йиғилиш раиси

А.Тешабоев

2020 й.



«IMKON FINANS MIKROKREDIT TASHKILOTI»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ОБЛИГАЦИЯЛАР

ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

Идентификация рақами берилди:	R	U	3	0	1	B	0	3	4	1	T	3
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, фоизли, номинал қиймати
1 000 000 (бир миллион) сўмдан бўлган 4 000 000 000 (тўрт миллиард) сўм миқдоридagi
4 000 (тўрт минг) дона корпоратив облигациялар.



Бошқарув раиси:

М.Б.Атаханов

Бош бухгалтер:

Ж.Д.Тешабоев

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ
РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА
НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ
ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ
ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТИОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.

ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР
ИШОНЧЛИЛИГИ, ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.

1-БОБ. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

1. Жамиятнинг номи.

Жамиятнинг тўлиқ номи:

- Ўзбек тилида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» акциядорлик жамияти;
- Лотин алифбосида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» aksiyadorlik jamiyati;
- Рус тилида: Акционерное общество «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti»;
- Инглиз тилида: “IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti” joint stock company.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

- Ўзбек тилида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ;
- Лотин алифбосида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» AJ;
- Рус тилида: АО «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti»;
- Инглиз тилида: JSC “IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti”.

Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли:

- Акциядорлик жамияти.

2. Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Жамият «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» mas’uliyati cheklangan jamiyati номи билан Андижон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2011 йил 9 сентябр куни 16255-сонли реестр билан бирламчи давлат рўйхатидан ўтказилган.

Жамиятнинг қайта давлат рўйхатидан ўтиш санаси ва рақами:

- Андижон шаҳар давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» mas’uliyati cheklangan jamiyati номи билан 2019 йил 15 май куни 16255-сон;
- Андижон шаҳар давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» mas’uliyati cheklangan jamiyati номи билан 2020 йил 17 сентябрь куни 16255-сон;
- Андижон шаҳар давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» акциядорлик жамияти номи билан 2020 йил 05 октябрь куни 16255-сон.

Жамиятнинг аввалги қисқартирилган ва тўлиқ номлари:

Жамиятнинг тўлиқ номи:

- Ўзбек тилида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» Mas’uliyati Cheklangan Jamiyati;
- Рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti»;
- Инглиз тилида: “IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti” Limited Liability Company.

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

- Ўзбек тилида: «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» MChJ;
- Рус тилида: ООО «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti»;
- Инглиз тилида: “IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti” LLC.

Мазкур жамият таъсисчилари қарорига мувофиқ акциядорлик жамияти мақомига ўзгартирилган бўлиб, унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади ва илгари тузилган барча шартномалар ҳамда мажбуриятлар бўйича масъулиятни ўз зиммасига олади.

3. Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электронпочта маълумотлари.

Жамиятнинг жойлашган манзили (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 44-а уй, почта индекси: 170100.

Телефон ва факс рақамлари: (+99878) 298-12-35; (+99874) 228-32-12.

Расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари:

- Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.imkonfinans.uz
- Жамиятнинг электрон почта манзили: info@imkonfinans.uz

4. Жамиятнинг банк реквизитлари.

Хисоб рақами: 20216000104934759001;МФО: 00083,
Банк номи: “Hamkorbank” АТБ Амалиёт бошқармаси.

5. Жамиятнинг солиқ органи номи ва СТИР.

Андижон шаҳар давлат солиқ инспекцияси, СТИР: 302096393.

6. Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар:

МШТ бўйича мулчилик шакли	код: 142
Хос рақами (ОКПО)	код: 23794652
ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури	код: 96190
Манзил бўйича МҲОБТ тўлиқ хос рақами	код: 1703401

7. Рейтинглار мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар.

Жамият фаолиятини Ўзбекистон Республикасида биринчилардан бўлиб ташкил қилинган “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан, ўзаро икки томонлама тузилган шартномага мувофиқ баҳолашдан ўтказилган.

Рейтинг агентлиги тўғрисидаги маълумотлар:

- Тўлиқ номи: “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги;
- Жойлашган ери ва почта манзили: 100027, Тошкент шаҳар, Қоратош кўчаси, 1-уй.
- Алоқа телефони: (99871) 238-69-19
- Электрон почта: info@ahbor-reyting.uz
- “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1995 йил 09 ноябрдаги 427-сонли қарорига асосан ўз фаолиятини юритиб, тижорат банклари, суғурта ва лизинг компаниялари, ломбард, микрокредит ва бошқа ташкилотларни баҳолашдан ўтказди.

Жамиятга “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан қуйидаги рейтинг баҳолар берилган:

- 2020 йил ноябрь ойи ҳолатига: UZA (стабильный);
- 2019 йил март ойи ҳолатига: UZB++ (приемлимый);
- 2016 йил октябрь ойи ҳолатига: UZB+ (достаточный).

8. Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари мавжуд эмас.

9. Шуъба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумот (мавжуд бўлган тақдирда).

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият шуъба ва тобе юридик шахс жамиятларига эга эмас.

10. Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда.

Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзоликлари мавжуд эмас.

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси.

Жамият ташкилий тузилмаси нусхаси мазкур рисоланинг иловасида келтирилган.

12. Ишчиларнинг охириги 3 йил учун ўртача йиллик сони (одамлар):

Тоифа	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1	2	3	4
жамиятнинг асосий фаолияти бўйича банд бўлган ходимлар	7	9	9
маъмурий-бошқарув ходимлари	2	2	2
Жами:	9	11	11

13. Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (ушбу илованинг 11-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно).

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият бошқа юридик шахсларнинг устав капиталида улушларга эга эмас.

14. Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси (агар низомда уни қабул қилиш кўзда тутилган бўлса).

Жамият низомида Корпоратив бошқарув кодексини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилиши ваколати доирасига киритилган, бироқ мазкур рисола тасдиқланиш санасига қадар қабул қилинмаган.

15. Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар.

Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.

2-БОБ. КЕЛГУСИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШINI МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ

17. Келгуси облигациялар чиқарилиши шартлари.

а) облигациялар чиқарилиши ҳақида маълумотлар:

- облигациялар тури;

Эгасининг номи ёзилган фоизли, хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги, корпоратив облигациялар;

- облигациянинг номинал қиймати, сўм;

1 000 000 (бир миллион) сўм;

- облигациялар сони;

4 000 (тўрт минг) дона;

- облигациялар чиқарилишининг умумий ҳажми;

4 000 000 000 (тўрт миллиард) сўм;

- тўлов усули ва жойлаштириладиган облигациялар нархи (қиймати).

Облигациялар тўлов усули нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали пул ўтказиш йўли билан Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

Облигациялар бўйича пулсиз воситалар билан тўловлар кўзда тутилмаган.

Ушбу чиқарилишдаги бир дона облигацияларнинг қимматли қоғозларнинг уюшган биржа бозорларидаги бошланғич чиқариш нархи 1 000 000 (бир миллион) сўмни ташкил этади.

Облигацияларнинг жойлаштириш нархи номинал қийматидан паст бўлмаган нархларда юридик шахс инвесторлар ўртасида оммавий усулда (очиқ обуна йўли билан) жойлаштирилади.

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖнинг акцияларига айирбошланмайди. Шу сабабли овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган жойлаштириладиган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқлар кўзда тутилмаган.

б) облигациялар бўйича даромад олиш:

- облигациялар бўйича мукофотни аниқлаш тартиби;

Мазкур облигациялар бўйича фоизли даромадлар йиллик ҳисобда 23 (йигирма уч) фоизни ташкил қилади.

Битта облигацияга 1, 2, 3 ва 4-чи оралиқ даврлар учун фоизли даромад қўйидагича аниқланади:

$$D_n = N * C_n * (T - T_f) / 365$$

D_n – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

N – облигациянинг номинал қиймати;

C_n – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида), n -оралиқ даврнинг тартиб рақами ($n=1, 2, 3, 4$);

T – 91 кунлик жойлаштириш даврларнинг охири санаси;

T_f – ҳисобланган оралиқ даврдаги, облигациянинг сотиб олинган санаси.

****Изоҳ: Оралиқ давр фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади.*

Битта облигацияга оралиқ давр учун фоизли даромад қўйидагича аниқланади:

$$D_n = N * C_n * T / 365$$

D_n – облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромад;

N – облигациянинг номинал қиймати;

T – 91 кунлик жойлаштириш даврларнинг охири санаси;

C_n – облигациянинг фоиз ставкаси (йиллик ҳисобида), n -оралиқ даврнинг тартиб рақами ($n=1, 2, 3, \dots 12$);

****Изоҳ: Оралиқ давр фоизли даромад миқдори бир тийинга қадар аниқлик билан белгиланади.*

- облигациялар бўйича мукофотни тўлаш даврийлиги ва (ёки) облигациялар бўйича мукофотни тўлаш санаси;

Облигация эгаларининг фоизли даромадлари облигациялар муомала даврининг 91, 182, 273, 364, 455, 546, 637, 728, 819, 910, 1001, 1092-чи кунларига ёпилган облигация эгалари реестри асосида ҳисобланиб тўлаб берилади.

«IMKON FINANS mikrokredit tashkiloti» АЖ томонидан облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантириладиган облигация эгаларининг реестрида қайт этилган маълумотлар асосида тўланади.

Облигация эгалари реестри ёпилган кундан фоизли тўловлар реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларига 10 (ўн) банк иш куни мобайнида амалга оширилади.

- облигациялар бўйича мукофотни тўлашни бошлаш санаси;

Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромадни муомала муддати давомида ҳар 91 кунлик оралиқ даврлар учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш оралиқ даврларнинг якунига ўрнатилган тартибда қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгалари реестрига асосан амалга оширилади. 1-чи оралиқ даврнинг бошланиш санаси облигацияларни жойлаштириш бошланиш санасига тўғри келади, шунингдек кейинги оралиқ даврларнинг бошланиш саналари тартиб бўйича 92, 183, 274, 365, 456, 547, 638, 729, 820, 911, 1002, 1093-чи кунларга тўғри келади.

- облигациялар бўйича мукофотни тўлаш тартиби ва усуллари, облигациялар бўйича мукофотни олиш усуллари.

Облигация эгалари реестри ёпилган кундан фоизли тўловлар реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларига 10 (ўн) банк иш куни мобайнида пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

Агар облигация эгаси ўзининг эгалигидаги облигацияларни оралик даврлар оралигида бошқа юридик шахсга ўтказганда, яъни сотганда ушбу облигациянинг эгалиги бўйича сотиб олган юридик шахс 5 кун ичида, ушбу жамият облигацияларни олганлиги юзасидан жамиятни хабардор қилиши шарт.

Облигациялар бўйича фоиз даромадларининг тўлови графиги жамият томонидан ишлаб чиқилади ва жамиятнинг интернет веб-сайтида (www.imkonfinans.uz) облигацияларни жойлаштириш бошланган санадан кейин 10 кун ичида эълон қилинади.

в) облигацияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари:

- жойлаштириш усули;

Мазкур чиқарилишдаги корпоратив облигациялар сони чекланмаган юридик шахс инвесторлар орасида оммавий усулда (очик обуна йўли билан) жойлаштирилади.

- ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олишга бўлган чекловлар.

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар Ўзбекистон Республикаси “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сонли Қарори мувофиқ юридик шахслар ўртасида очик обуна усулида жойлаштирилади.

«IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ Уставида жамият томонидан чиқарилаётган облигацияларини сотиб олиш бўйича чеклашлар мавжуд эмас.

- облигацияларни жойлаштириш муддати ва тартиби;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида жойлаштирилади.

Облигацияларни жойлаштиришни бошланиш санаси – мазкур облигацияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларига эълон қилинган санадан кейинги ўн бешинчи кун. Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси жамият ҳисоб-китоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, бу ҳолда облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси ушбу кунлардан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

Облигацияларнинг жойлаштиришнинг тугаш санаси – ушбу чиқарилишнинг охириги облигациялар жойлаштирилган куни ҳисобланибушбу сана мазкур чиқариш давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

Ушбу облигациялар қимматли қоғозларнинг уюшган биржа савдолари орқали юридик шахслар ўртасида оммавий усулда жойлаштириш амалга оширилади.

- облигациялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари);

Мазкур чиқарилишдаги облигацияларни Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси 107-уйда жойлашган “Тошкент” Республика Фонд биржаси ёки “Elsis savdo” АЖ фонд биржасида жойлаштирилади.

г) облигациялар муомаласи тартиби ва шартлари;

Облигацияларни жойлаштириш давомида облигация учун тўловлар нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда амалга оширилади.

Облигациялар қимматли қоғозларнинг уюшган биржа бозорларида юридик шахс инвесторлар ўртасида муомаласага киритилади.

Уюшган бозорларда облигациялар бўйича олди-сотди битимлари қимматли қоғозларга савдоси ташкилотчисининг коидаларига асосан, мазкур қимматли қоғозларга мавжуд бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, амалга оширилади.

Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказий депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

Марказий депозитарий томонидан тақдим этувчи облигация эгалари реестрда акс этирилган облигация эгаларининг реквизитлари ҳаққонийлиги юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ жавобгар бўлмайди.

Облигация билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар ушбу облигацияга бўлган ҳуқуқлар ўтган кундан эътиборан олувчига ўтади.

Облигацияларнинг муомала муддати – облигациялар жойлаштирилиши бошланган санадан 1092 (Бир минг тўқсон икки) кун. Мазкур муддат фоизларни тўлаш мақсадида ҳар бир 91 кунга тенг бўлган 12 та оралик даврларга бўлинган.

д) облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари:

- облигацияларни сўндириш санаси;

Облигацияларни сўндириш санаси, жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 1093 (бир минг тўқсон уч) кунга ўтган кун ҳисобланади.

Мазкур корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига тегишли облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга.

- облигацияларни сўндириш усули;

Эмитент, сўндириш санасига Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестри асосида пул маблағларини қайтаради. Мазкур реестр Марказий депозитарийдан сўндириш кунидан 5 (беш) банк иш куни давомида олинади.

Пул маблағларини қайтариш муддатлари облигациялар сўндириш кунидан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни давомида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Облигацияларнинг сўндирилиши нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда облигацияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Мазкур облигация эмиссия рисоласига мувофиқ облигацияларни сўндиришда мукофот ва бошқа мулкӣ ҳуқуқлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

Марказий депозитарийда акс этирилган облигация эгаларининг банк реквизити маълумотлари юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ жавобгар бўлмайди.

е) облигацияларни муддатидан олдин сўндириш имконияти ва шартлари;

Облигация эгаси облигацияларнинг 364, 455, 546, 637, 728, 819, 910, 1001 ва 1092 кунлар оралик даврлари тугашидан камида 10 (ўн) иш кунидан олдин ҳамда мазкур облигацияларнинг эмиссия рисоласи 17-банди о) қисмида кўрсатилган ҳолларда жамиятга ушбу облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Жамият облигация эгаси юқоридаги муддатларга амал қилган ҳолда, ўзига тегишли бўлган облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича аризасини жамиятга тақдим қилади.

Жамият ушбу облигация эгасининг муддатидан олдин облигацияларини сўндириш бўйича аризаси келиб тушган кунда, «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ Кузатув кенгаши ушбу облигацияларни муддатидан олдин сўндириш баҳоси (қиймати) ва ушбу облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромадларини тўлаш шартлари ҳамда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидан ушбу облигацияларни харакатсизлантириш санасига облигация эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқнома бериш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Жамият мазкур қарорига мувофиқ облигация эгасига облигациянинг номинал қиймати ҳамда ушбу облигация бўйича ҳисобланган фоизли даромадларини ариза олинган пайтдан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида аризада кўрсатилган банк реквизитига ўтказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Облигация эгасига жамият Кузатув кенгаши қарори қабул қилинган кунидан бошлаб, мазкур облигацияларга тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Жамият Кузатув кенгаши жамият Уставининг 11.3 бандига мувофиқ мазкур облигацияларни муддатидан олдин жамият ихтиёри билан қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эгадир.

Жамият мазкур облигация эгаларининг облигацияларини муддатидан олдин сўндириш бўйича Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсига ушбу облигацияларни харакатсизлантириш ҳамда облигацияларни харакатсизлантириш санасига облигация эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқнома беради.

Жамият облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисида облигация эгаларини 10 (ўн) банк иш куни олдин ёзма шаклда Марказий депозитарийдан олинган облигация эгаларининг реестрида акс эттирилган манзиллар бўйича хабардор қилади.

Бу ҳолатда жамият облигация эгаларига облигациянинг номинал қиймати ҳамда облигация бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини жамият Кузатув кенгаши қарор қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни ичида Марказий депозитарийдан олинган облигация эгалари реестрида кўрсатилган банк реквизитига ўтказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Жамият ихтиёри билан облигацияларни муддатидан олдин сўндириш бўйича Кузатув кенгаши қарори қабул қилинган кунидан бошлаб, мазкур облигацияларга тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

Жамиятнинг облигацияларни муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборот ўртанилган тартибда жамиятнинг веб-сайтида (www.imkonfinans.uz) ва оммавий ахборот воситалари орқали қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор қилинади.

ж) қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, жамият томонидан облигациялар учун тўлов сифатида олинган маблағларни қайтариш тартиби;

Облигацияларни жойлаштириш учун белгиланган муддат ичида жами жойлаштирилган облигацияларнинг миқдори облигацияларнинг умумий сонининг 30 фоизидан кам бўлган тақдирда, облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади.

Облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Корпоратив облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган сана ҳолатига шакллантирилган корпоратив облигациялар эгаларининг реестри асосида, облигациялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида реестрда қайд этилган шахсларга облигацияларнинг номинал қиймати ва уларга ҳисобланган фоиз даромадлари тўлаб берилади.

Облигацияларнинг чиқарилиши амалга ошмаган деб топилганлиги юзасидан олинган реестрда облигация эгасининг банк реквизитлари тўлиқ ва/ёки ахборот ноаниқ бўлмаслиги (ҳисоб рақами, банк коди ва бошқалар) сабабли облигациянинг номинал қиймати ва унинг бўйича ҳисобланган фоиз даромадларининг тўлови кечиктирилиши, шунингдек бундай кечиктиришнинг оқибатлари юзасидан «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ жавобгар бўлмайди.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун облигациялар эгалари ўзларининг банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда жамиятга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Шунингдек жамият облигациянинг номинал қиймати ва унинг бўйича ҳисобланган фоиз даромадларини қайтариш муддатлари облигациялар чиқарилиши чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу санадан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни давомида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди.

з) айирбошланадиган облигациялар тўғрисида маълумот;

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар овоз берувчи акцияларига айирбошлаш кўзда тутилмаганлиги муносабати билан, жойлаштирилаётган облигацияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ кўзда тутилмаган.

и) ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар жамият ўз маблағлари доирасида чиқарилувни амалга ошираётганлиги сабабли, таъминот зарурияти мавжуд эмас.

к) гаров сифатида тақдим этилган мол-мулкни баҳолашда қатнашган баҳоловчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар жамият ўз маблағлари доирасида чиқарилувни амалга ошираётганлиги сабабли, таъминот зарурияти мавжуд эмаслиги учун, баҳоловчи ташкилотлар жалб қилинмаган.

л) банк кафолатини тақдим этган банк тўғрисидаги маълумотлар;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар бўйича банк кафолати мавжуд эмас.

м) облигацияларнинг ушбу чиқарилиши бўйича жамиятнинг мажбуриятларини суғурталаган суғурта ташкилоти тўғрисида маълумотлар;

Мазкур чиқарилишдаги облигациялар жамият ўз маблағлари доирасида чиқарилувни амалга ошираётганлиги сабабли, ушбу чиқарилиш бўйича жамиятнинг мажбуриятларини суғурталанмаган.

н) облигацияларни жойлаштиришдан олинган пуллардан фойдаланишнинг мақсади;

Жамият Устави ҳамда амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ мазкур корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан олинган пул маблағларидан микрокредит олишга эҳтиёжи мавжуд юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш мақсадида фойдаланади.

о) облигациялар эгасига бериладиган ҳуқуқлар;

Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир корпоратив облигация ўз эгаларига қуйидаги ҳуқуқлар беради:

➤ Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир корпоратив облигация ўз эгаларига бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради. Корпоратив облигация эгалари эмитентдан мазкур чиқарилишдаги назарда тутилган муддатда корпоратив облигациянинг номинал қийматини ва облигациянинг номинал қийматидан белгиланган фоизни олиш;

➤ Облигация эгалари қимматли қоғозлар бозоридаги ўз таваккалчиликларини суғурта қилдириш;

➤ депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

➤ «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда корпоратив облигация эгалари корпоратив облигацияларни муддатидан олдин сўндиришни талаб этиш;

➤ «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖнинг корпоратив облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, корпоратив облигация эгалари эмитентдан корпоратив облигациянинг номинал қиймати ва у бўйича мазкур чиқарилишдаги белгиланган тартибда ҳисобланган фоизни талаб қилиш;

➤ Иккиламчи фонд бозорининг мазкур корпоратив облигацияга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан нархда ўзига тегишли корпоратив облигацияларни исталган вақтда учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш, ёки қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш;

➤ «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ фаолиятини тугатиш даврида депозиторлар талаблари қондирилганидан сўнг, сўндирилмаган корпоратив облигациялар бўйича белгиланган мажбуриятларни бажарилмаган қисмига тенг, унинг тақсимланаётган активларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланган тартибда олиш;

➤ Жамиятнинг ўз капитали миқдори камайганида ёки унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, жамият томонидан облигацияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш;

➤ Облигациялар бўйича эмитент томонидан тўлов мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда ушбу масала юзасидан давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколат берилган органда, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга;

➤ Ўзбекистон Республикаси қонун белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

п) инвестор томонидан сотиб олинган облигациялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот.

Инвестор томонидан сотиб олинган жамият облигацияларига ҳисобланган фоизли даромадлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Солиқ Кодексига мувофиқ, фоизли даромадларга белгиланган солиқ ставкаларига асосан даромад солиғига тортилади.

Жамият облигация эгаларига, облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадларини амалдаги солиқ ставкаларига мувофиқ ҳисоблаб, солиқ тўловини чегирган ҳолда тўловлар амалга оширади.

Облигация эгасига даромад солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар (даромад солиғини тўлашдан озод этиш киритилган ҳолда) қўлланилган тақдирда, бундай облигация эгаси жамиятни олдиндан солиқ имтиёзи мавжудлиги юзасидан хабардор этиши шарт.

Ушбу хабарномада инвестор мажбурий тартибда қуйидаги ахборотларни баён этиши лозим:

➤ Солиқ имтиёзини қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланган меъёрий ҳужжат номи (ушбу меъёрий ҳужжатнинг нухасини хатга илова қилинган ҳолда);

➤ Облигация эгасига бундай имтиёз қўлланилиши учун асос.

Инвестор мазкур имтиёзни қўллаш бўйича хабарномани облигацияларнинг оралик давриякунига қадар, камида беш календарь кундан кечиктирмасдан жамиятга тақдим этилиши шарт.

р) рўй бериши оқибатида жамиятнинг облигациялари бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги эҳтимоли бўлган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини қуйидаги вазиятлар юзасидан бажара олмаслиги мумкин:

➤ Жамият акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда;

➤ Жамият фаолиятини мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия чақириб олинганда) шаклда тугатиш тўғрисидаги қарор қилинганда;

➤ Жамиятни аудиторлик ташкилоти томонидан йил яқунлари бўйича тўловга лайёқатсиз деб топилганда;

➤ Жамият томонидан «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари, шу жумладан лицензия талаблари ва шартлари бузилганда.

Жамият лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш, тугатиш ва уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларини белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек Марказий банкнинг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

Юқоридаги вазиятлар юзага келганда, жамият мажбуриятларини бажара олмаслигини олдини олиш мақсадида жамият томонидан захира фонди ташкил қилинган бўлиб, хусусан жамият Уставининг 8.1. бандида “Жамиятнинг захира фонди бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади” деб келтирилган.

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан қарор қабул қилиш кунига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан облигация эгалари реестрини олади. Жамият мазкур реестрни олиш бўйича Марказий депозитарийга 5 (беш) банк иш куни олдин облигация эгалари реестрини шакллантириш учун белгиланган тартибда топшириқнома беради.

Марказий депозитарий томонидан тақдим қилинган облигация эгалари реестрига мувофиқ, жамият облигациялар бўйича мажбуриятларни бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги юзасидан кузатув кенгаши йиғилиши кун тартибда кўриб чиқиб, (облигацияларини муомаладан чиқариш ва уларга ҳисобланган фоизларни тўлаш юзасидан) қарорлар қабул қилади.

с) жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигациялар эгалари ҳаракатларининг тавсифи;

Жамият облигациялар бўйича даромадларни қайтариш ва тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги бўйича жамият кузатув кенгаши қарори қабул қилинган кундан 5 (беш) банк иш куни ичида, облигация эгаларини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигация эгаларининг реестрида қайт этилган маълумотлар асосида ёзма шаклда хабардор қилади ҳамда белгиланган тартибда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи веб-сайти ва жамият веб-сайтида эълон қилади.

Жамият кузатув кенгаши йиғилишида, жамият облигациялар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар миқдори, мажбуриятларнинг бажарилмаслигининг сабаби, шунингдек, облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича ҳаракатлари таснифи баён қилинади.

Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигация эгалари ўз талабларини қондириш бўйича мумкин бўлган ҳаракатлари қуйидагилар:

- жамиятга бажарилмаган мажбуриятларини қонунчиликда белгиланган тартибларда бажарилиши юзасидан мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорида ўз ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи ва бошқа давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш.

т) жамиятнинг тўлов агенти тўғрисидаги маълумот (мавжуд бўлган тақдирда);
Жамият тўлов агенти тўғрисидаги маълумотлар:

- Тўлов агентининг тўлиқ номи: Чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик тижорат банки Амалиёт бошқармаси;
- жойлашган манзили: 170119, Андижон шаҳар, Бобур шох кўчаси 85-уй;
- Электрон почта манзили: muloqot@hamkorbank.uz
- Расмий веб-сайти: www.hamkorbank.uz
- Алоқа телефонлари: 78-298-10-00; 78-298-04-33.
- Жамият ва тўлов агенти ўртасидаги шартнома санаси: 15.04.2020й. рақами: 487174-сонли

Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича мажбуриятларни нақд пулда тўланиши кўзда тутилмаган.

3-БОБ. ЭМИССИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР

18. Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана.

Мазкур қимматли қоғозлар чиқарилиш қарори «IMKON FINANS mikrocredit tashkiloti» АЖ Кенгашининг 2020 йил 25 ноябрдаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган.

19. Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот.

Мазкур облигацияларни жойлаштириш жараёни “НВСapital” МЧЖ билан тузилган андеррайтер шартномасига мувофиқ амалга оширилади.

Андеррайтер тўғрисида маълумотлар:

➤ Тўлиқ номи: “НВСapital” масъулияти чекланаган жамияти.
➤ Ташкилий ҳуқуқий шакли: МЧЖ
➤ Жойлашган ери ва почта манзили: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 53-уй.

➤ Алоқа телефони: (998 74) 234-35-39

➤ Электрон почта: info@hbcapital.uz

➤ “НВСapital” МЧЖ ўз фаолиятини Инвестиция воситачиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 25 майда берилган 1399-сонли лицензияга асосан юритади.

➤ Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тузилган шартномаси санаси ва рақами: 25.11.2020 йил кунги №2-сонли.

➤ Шартнома шarti: қимматли қоғозларини чиқарилишини ташкиллаштириш.

➤ Шартнома муддати: мазкур облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб бир йил давомида.

20. Мустақил аудитор тўғрисидаги ахборот.

2020 йил 3 чорак якуни бўйича:

Аудиторнинг фамилияси, исми, шарифи: Солиев Абдуқаххор Абдуллаевич

Лицензия рақами ва берилган сана: №00840 2020 йил 23 январ

Аудиторлик фирмаси номи: “Агро тахлил” аудиторлик ташкилоти Водий минтақавий филиали;

Манзили: Андижон шаҳар, Тинчлик кўчаси 8-уй.

2019 йил якуни бўйича:

Аудиторнинг фамилияси, исми, шарифи: Солиев Абдуқаххор Абдуллаевич

Лицензия рақами ва берилган санаси: №00840 2020 йил 23 январ

Аудиторлик фирмаси номи: “Агро тахлил” аудиторлик ташкилоти Водий минтақавий филиали

Манзили: Андижон шаҳар, Тинчлик кўчаси 8-уй.

2018 йил якуни бўйича:

Аудиторнинг фамилияси, исми, шарифи: Солиев Абдуқаххор Абдуллаевич

Лицензия рақами ва берилган санаси: №00702 2019 йил 23 декабрь

Аудиторлик фирмаси номи: “ASL-MOLIYA TAXLIL” аудиторлик ташкилоти

Манзил: Андижон шаҳар, Тинчлик кўчаси 8-уй.

2017 йил якуни бўйича:

Аудиторнинг фамилияси, исми, шарифи: Маразиқов Махмуджон Мамадалиевич

Лицензия рақами ва берилган санаси: №00392 2014 йил 27 июнь

Аудиторлик фирмаси номи: «PROFI AUDIT» аудиторлик ташкилоти МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар, Олмозор тумани, Беруний кўчаси 83-уй.

21. Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлик номи.

Мазкур корпоратив облигацияларни муомалага чиқариш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция маслаҳатчиси “НВСapital” МЧЖ билан 2020 йил 22 сентябрь куни 1-сонли шартнома тузилган.

Инвестиция маслаҳатчиси тўғрисидаги маълумотлар:

- Тўлиқ номи: “НВСapital” масъулияти чекланаган жамияти.
- Ташкилий ҳуқуқий шакли: МЧЖ
- Жойлашган ери ва почта манзили: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 53-уй.
- Алоқа телефони: 74-234-35-39
- “НВСapital” МЧЖ ўз фаолиятини Инвестиция маслаҳатчиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 25 майда берилган 1400-сонли лицензияга асосан юритади.

22. Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси тўғрисида маълумотлар:

- Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат корхонаси
- Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат корхонаси
- Жойлашган ери ва почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, М.Улугбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси 107 уй.
- Алоқа телефонлар: (998 71) 267-37-42, (998 71) 267-35-92
- Факс: (998 71) 267-37-42
- Электрон почта: info@deponet.uz
- Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарорига асосан юритади.

Жамият облигациялари ҳуқуқларининг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий депозитарийси ва Инвестиция воситачилари томонидан қонунчиликда ўрнатилган тартибда юритилади.

Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилган облигацияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси сифатида “НВСapital” масъулияти чекланаган жамияти билан хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган.

Инвестиция воситачиси “НВСapital” МЧЖ тўғрисида маълумотлар:

- Тўлиқ номи: “НВСapital” масъулияти чекланаган жамияти.
- Ташкилий ҳуқуқий шакли: МЧЖ
- Жойлашган ери ва почта манзили: 170119, Андижон шаҳри, Бобур шох кўчаси, 53-уй.
- Алоқа телефони: (998 74) 234-35-39
- Электрон почта: info@hbcapital.uz
- “НВСapital” МЧЖ ўз фаолиятини Инвестиция воситачиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорларини ривожлантириш Агентлиги томонидан 2020 йил 25 майда берилган 1399-сонли лицензияга асосан юритади.
- Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилот билан тузилган шартнома санаси ва рақами: 20.10.2020 йил кунги 59-сонли.

23. Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият томонидан илгари облигациялар чиқарилуви амалга оширилмаган.

4-БОБ. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ВА ИЖРО ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ**24. Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар.**

Кузатув кенгаши аъзосининг Ф.И.Ш.	Ҳозирги вақтда ва охириги 3 йилдаги эгаллаган лавозимлари	Эмитентнинг устав фондидаги улуши	
		сони доналарда	Улуш % да
1	2	3	4
Тешабоев Акмалжон Эргашевич	09.2020 йилдан буён “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Кенгаш раиси лавозимда ишлаб келмоқда. 05.2019-09.2020 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ Кенгаш раиси. 05.2015-05.2019 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ Кенгаш аъзоси.	2 700 600	67.49%
Маматов Адхамжон Ахмедович	09.2020 йилдан буён “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Кенгаш аъзоси лавозимда ишлаб келмоқда. 05.2019-09.2020 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ Кенгаш аъзоси. 05.2015-05.2019 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ Кенгаш раиси.	1 301 000	32.51%
Абдужалилов Акмалжон Абдувалиевич	08.2020 йилдан буён “Микрокредитбанк” АТБ Андижон вилояти филиали бошлиқ ўринбосари лавозимда ишлаб келмоқда. 07.2019-08.2020 йй. “Халкбанки” АТБ Андижон вилояти филиали бошлиқ ўринбосари. 02.2017-07.2019 йй. “Hamkorbank” АТБ Мини банкларни қўллаб-қувватлаш ва ташкил этиш сектор бошлиғи.	0	0

25. Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар жамият Кузатув кенгаши қўмиталаритузилмаган.

26. Жамиятнинг коллегиял (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар.

Ижроия органи аъзосининг Ф.И.Ш	Ҳозирги вақтда ва охириги 3 йилдаги эгаллаган лавозимлари	Эмитентнинг устав фондидаги улуши		
		сони доналарда		Улуш % да
1	2	3		4
Атаханов Мухаммадиброхим Бўриевич	09.2020 йилдан буён “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ Бошқарув раиси-ижрочи директори лавозимда ишлаб келмоқда. 06.2019-09.2020 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ ижрочи директори. 05.2019-06.2019 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ Кредит бўлим бошлиғи. 01.2017-05.2019 йй. Хусусий тадбиркор.	0	0	0
Тешабаев Жўрабек Давронбек ўғри	09.2020 йилдан буён “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” АЖ бош бухгалтер лавозимда ишлаб келмоқда. 06.2019-09.2020 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ бош бухгалтери. 05.2018-06.2019 йй. “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” МЧЖ ёрдамчи бухгалтери. 02.2018-05.2018 йй. Андижон туман давлат солиқ инспекциясида инспектор. 01.2017-02.2018 йй. Избоскан туман “Яккатут-Сайдулло” ф/х иқтисодчиси.	0	0	0

27. Жамиятижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият ижроия органи бошқаруви вазифаси бошқа ташкилотга ёки ишончли бошқарув ташкилотига берилмаган.

28. Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги 2019-2020 молиявий йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар.

минг сўм ҳисобида

Мазмуни	2019 йил бўйича	2020 йил бўйича
Жамият кузатув кенгаш аъзоларига жами тўланган иш ҳаққи миқдори	48 000.0	76 000.0
Жамият ижроия органига жами тўланган иш ҳаққи миқдори	20 000.0	31 500.0
Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилотга тўланган иш ҳаққи миқдори	-	-
Жами:	68 000.0	107 500.0

Шунингдек жамиятнинг юқоридаги мазкур шахсларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган ва тўланмаган.

29. Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари).

Акциядорлар жисмоний шахсларнинг Ф.И.Ш.	Акциядорлар — жисмоний шахсларнинг паспорт маълумотлари	Акциядорнинг эмитент устав фондидаги улуши	
		сони доналарда	Улуш % да
1	2	3	4
Тешабоев Акмалжон Эргашевич	АВ 1625266, 10.10.2015 йилда Андижон вилояти ИИБ томонидан берилган ИНН: 484570155	2 700 600	67.49%
Маматов Адхамжон Ахмедович	АА 3313526, 13.11.2013 йилда Балиқчи туман ИИБ томонидан берилган ИНН: 431375661	1 301 000	32.51%

30. Жамиятнинг бошқа аффилиланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар.

Аффилиланган — юридик шахсларнинг тўлиқ номи ёки аффилиланган — жисмоний шахсларнинг Ф.И.Ш.	Аффилиланган шахс деб ҳисобланишининг асоси	Аффилиланган шахснинг эмитент устав капиталидаги улуши		
		сони доналарда		Улуш % да
		Оддий	имтиёзли	
Тешабоев Акмалжон Эргашевич	Кенгаш раиси / акциядор	2 700 600	0	67.49%
Маматов Адхамжон Ахмедович	Кенгаш аъзоси / акциядор	1 301 000	0	32.51%
Абдужалилов Акмалжон Абдувалиевич	Кенгаш аъзоси	0	0	0
Атаханов Мухаммадиброхим Бўриевич	Бошқарувчи-ижрочи директор	0	0	0

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият ва юқоридаги жисмоний шахслар бошқа жамиятлар устав капиталининг 20 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган акция улушларга эга эмас.

5-БОБ. ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

31. Жамият фаолияти турлари.

а) асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари;

Жамиятнинг асосий фаолият тури микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат.

Ўз фаолият мақсадига эришиш учун жамият қуйидаги микромолиявий хизматларни амалга оширади:

- микрокредитлар ёки микроқарзлар бериш;
- қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг);
- жамият лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган микролизинг бериш (молиявий ижара);
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги микромолиявий хизматлар кўрсатиш, шу жумладан истеъмол кредитлари бериш;
- корпоратив облигацияларни чиқариш ва уларни юридик шахслар ўртасида жойлаштириш;

➤ банклар, суғурта компаниялари ва бошқа молия ташкилотларнинг агенти сифатида агентлик хизматларини фақат нақдсиз шаклда кўрсатиш ва агентлик битимининг мавжудлиги тўғрисида ахборотларни ошкор қилиш, шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш шарти билан қатнашиш;

➤ макропруденциал назорат доирасида белгиланган нормаларга риоя қилинишини таъминлайдиган ҳажмларда кредитларни (қарзларни) жалб қилиш;

➤ чакана хизматлар, шу жумладан нақдсиз шаклда кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар марказларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкини хабардор қилган ҳолда очиш;

➤ жамият микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш мумкин.

б) жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил 22 октябрда 40-сонли Микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензияга асосан фаолият кўрсатади.

32. Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот.

Ўзбекистон Республикасида мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жами 63 нафар микрокредит ташкилоти фаолият юритмоқда. Шундан Андижон вилояти ҳудудида жами 3 нафар микрокредит ташкилоти мавжуд бўлиб, “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” вилоят марказида, яъни Андижон шаҳар ҳудудида, қолган 2 нафар микрокредит ташкилоти эса туманларда ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, “IMKON FINANS микрокредит ташкилоти” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан умумий активларга нисбатан қилинган солиштирма жадвалга асосан микрокредит ташкилотлари ўртасида 26 ўринни эгаллаган.

33. Соҳанинг келажакдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни.

Андижон вилояти ҳудудида муқаддам 14 нафар нобанк кредит ташкилотлари ўз фаолият юритган бўлиб, ҳозирги кунда 3 нафар микрокредит ташкилоти фаолият юритиб келмоқда.

Келажакда жамият акциядорлик жамияти шаклида қимматли қоғозлар бозорида фаолигини ошириш ва жамиятнинг қўшимча филиаллар ҳамда ваколатхоналарини очишни режалаштирган.

34. Сўнгги 2019-2020 йиллар ичида ёки жамиятнинг расмий фаолияти даврида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми.

Жамият фаолияти давомида 2019 йилда 401 нафар миқозга, жами 4 892.0 млн. сўм ҳамда 2020 йил 3-чорак якуни бўйича 187 нафар миқозга жами 4 579.0 млн. сўм кредит расмийлаштирилган.

35. Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият истеъмол қиладиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизига тўғри келадиган етказиб берувчилар ҳамда истеъмол қиладиган истеъмолчилар мавжуд эмас.

Шунингдек Жамият “Микрокредит ташкилотлар тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Микрокредитлаш тўғрисида”ги қонунларга асосан микромолиявий операцияларни амалга оширади. Жамият жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ микроқарз, микрокредит ва микролизинг хизматларини кўрсатади.

Жамият фаолиятини назорат қилувчи орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хисобланади.

Жамият миждозларга микромолиявий хизмат кўрсатишни Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А.Темур шох кўчаси 44-а уй манзилида жойлашган Жамиятнинг маъмурий биносида амалга оширади.

36. Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар:

а) жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар;

Жамият фаолиятининг даромадлилига қуйидаги ижобий ва салбий омиллар таъсир кўрсатади:

- ижобий омиллар: жамият томонидан берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши, жамиятга қўшимча ресурс ва инвесторлар базасининг жалб қилиниши, жамиятнинг Андижон шаҳар ҳудудида ягона жойлашганлиги, жамият кредит ресурсларига аҳоли эҳтиёжининг ортиши ва бошқа ижобий таъсирлар.

- салбий омиллар: жамият томонидан берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслиги, жамият ресурс базаси етишмаслиги ва аҳолининг керидитга бўлган талабини пасайиши, ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, карантин чекловлари, қамал ва бошқалар), халқаро, банклараро ва банкнинг электрон тўлов ҳамда таъминот тизимидаги носозлик, жамиятнинг дастурий таъминот тизимида қилинган таҳдид (учинчи шахслар томонидан қилинган ҳужумлар) сабабли юзага келган вазиятлар ва бошқа салбий таъсирлар.

б) жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар;

Мазкур рисола тасдиқланиш санасига жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки мавжуд эмас.

в) ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги уч йилда давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар;

1-чи санкция

а) санкция қўлланилган сана: 26.09.2017 йил

б) санкцияни қўллаган орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

в) санкция қўллаш сабаблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ташкилотларни молиявий ҳолтини кўриб чиқиш комиссия 26.09.2017 йилдаги 716/12-сонли қарори - Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун.

г) санкциялар миқдори, сўм 9 626 300 (тўққиз миллион олти юз йигирма олти минг уч юз) сўм

д) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтдаги санкциялар ижросининг даражаси: Қўлланилган санкция тўлиқ тўланган.

2-чи санкция

а) санкция қўлланилган сана: 07.01.2019 йил

б) санкцияни қўллаган орган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

в) санкция қўллаш сабаблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорати қўмитасининг 07.01.2019 йилдаги 82/4-сонли йиғилиш баёнига асосан - Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузганлик учун.

г) санкциялар миқдори, сўм 20 000 000 (йигирма миллион) сўм

д) қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган пайтдаги санкциялар ижросининг даражаси: Қўлланилган санкция тўлиқ тўланган.

г) таваккалчиликкомиллари:

- жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар;

Жамият Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида фаолият юритади. Мазкур лицензия чекланмаган муддатда амалда бўлади, бироқ Марказий банк доимий равишда жамиятнинг иқтисодий норматив-кўрсаткичларини назорат қилиб боради. Агар жамият томонидан ушбу иқтисодий норматив-кўрсаткичларни бажарилмаган тақдирда мазкур лицензияни чақириб олиши ёки лицензияни амал қилиш муддати тугатилиши мумкин.

Мазкур эмиссия рисолаши тасдиқлангунга қадар, жамиятнинг учинчи шахслар, жумладан, жамиятнинг шуъба ташкилотлари бўйича жавобгарлиги ҳамда жамият томонидан берилган кредитлари ҳисобига олинган даромаднинг камида 10 (ўн) фоизига тўғри келадиган йўқотиш эҳтимоллари мавжуд эмас.

- тармоқ хавф-хатарлари;

Жамиятнинг асосий фаолияти микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат бўлиб, қуйидагилар тармоқ хавф-хатари деб кўрсатилади:

➤ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 19 декабрда рўйхатдан ўтказилган (рўйхат рақами 3205-сон) “Қарз олувчи жисмоний шахсларнинг кредитлар (микроқарзлар) бўйича қарз юкни ҳисоблаш тартиби, қарз юкининг рухсат этилган миқдори, шунингдек қарз юки ўсишини чеклаш тўғрисида”ги низом талабига мувофиқ Микрокредит ташкилотларига белгиланган фоиз ставкасинингэнг юқори (50% қилиб белгиланган) меъёрининг пасайтирилиши;

➤ жалб қилинган ресурс маблағлар ҳисоби камайиши;

➤ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жамият устав капиталига ва бериладиган кредит фоиз ставкаларига белгиланган нормативларни оширилиши.

Юқоридаги таъсирлар жамиятга ички ва тақши бозордаги ўзгаришларга бевосита таъсир кўрсатиб, жамият фаолиятининг асосий тармоқ хавф-хатарлари ҳисобланади.

- молиявий хавф-хатарлар;

Жамият молиявий хавф-хатарлари сирасига жамият ўз мажбуриятларини қоплай олмаслиги, кредитор ва акциядорлар олдидаги мажбуриятларининг ортиши, молиявий барқарорлиги тўғрисида омма ичида салбий тасаввур юзага келиши, мижозлар сонининг камайиши, кўрсатилаётган хизмат сифатининг тушиши натижасида, жамиятда зарарлар юзага келишидан иборат.

Шунингдек жамият активларининг молия мажбуриятларига номувофиқлиги, жамиятнинг ташқи инвесторлар ва контрагентлардан олинган пул маблағларининг (депозит, кредит, қарз ва бошқалар) ортиши оқибатида жамият мажбуриятларини тўла бажара олмаслиги билан боғлиқ хатарлар.

Жумладан, жамият фаолияти юзасидан молиявий хавф-хатарларга қуйидагилар киради:

➤ кредит хавф-хатари – мижозларга берилган кредитларни шартнома шартларига мувофиқ мажбуриятларни ўз вақтида бажармаслиги ва/ёки лозим даража бажармаслиги, мижоз тўлов қобилияти пасайиши;

➤ бозор хавф-хатари – молия бозоридаги нархларнинг (белгиланган кредит фоизларининг) салбий томонга ўзгариши ёки бошқа контрагентларнинг бозордаги улушини ортиши;

➤ ликвидлик хавф-хатари – жамият молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олмаслиги ёки лозим даражада бажара олмаслиги, активлар реализация қилиш жараёнида жамиятнинг ликвидлик даражаси пасайиши, мижозлар ва инвесторлар олдидаги тўлов қобилиятининг пасайиши;

➤ фоиз ставкаси хавф-хатари – молия бозоридаги фоиз ставкаларининг ноқулай ўзгариши шароитида жамият фоизли активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги номутаносиблиги, соф фоизли даромад ва/ёки капиталнинг пасайиши;

- ҳуқуқий хавф-хатарлар;

Жамият ҳуқуқий хавф-хатарлари — жамият томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тузилган шартномаларга риоя қилинмаслиги ёки лозим даражада бажармасилиги, иш жараёнида ҳуқуқий ҳатоликларга (нотўғри юридик маслаҳат ёки ҳужжатларни нотўғри тузилиши) йўл қўйилиши, ҳуқуқ тизимидаги камчиликлари ёки қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, ҳамкорлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши натижасида жамиятда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ хатарлар.

Ҳуқуқий хавф-хатарларни бошқариш мақсадида жамият томонидан қабул қилинган таваккалчиликнинг стратегик мақсадларга мувофиқ мақбул даражасини ушлаб туришдир. Жамиятга маълум бўлган йўқотишларни камайтириш асосида активлар ва капиталнинг юқори даражада хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифадир.

Жамият ҳуқуқий хавф-хатарларни бошқаришда қуйидаги амалга оширади:

- Ҳуқуқий хавф-хатарларни мақбул даражасини аниқлаш ва ўлчаш;
- Ҳуқуқий хавф-хатарларни доимий мониторингини олиб бориш;
- Жамиятнинг молиявий барқарорлигига ва унинг кредиторлари ҳамда инвесторлари манфаатларига таҳдид соладиган юридик хавфни мақбул даражада ушлаб туриш чораларини кўриш;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига ва ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- Жамият ва ходимларининг ноқонуний ишларда иштирок этиши, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳалари назорат қилиш.

- операцион хавф-хатарлар;

Операцион хавф-хатарлар - жамият фаолиятида муҳим бўлган хавф-хатар ҳисобланиб, жамият ходимларининг қасддан ноқонуний ҳаракатлари, учинчи шахслар томонидан жамиятга нисбатан қилинган салбий таъсирлар, жамиятнинг ички тизимларидаги технологик нозослик, ахборот ва бошқа ташқи тизимларга қилинган хужумлар йиғиндиси.

Жамият фаолиятида қуйидаги операцион хавф-хатарларни назорат қилади:

- Жамият манфаатига қарши қаратилган тасодифий ёки қасддан қилинган ҳаракатлар, шу жумладан жамиятнинг қонун талабларига ва ички меъёрий талабларига риоя қилмаслиги юзасидан;
- Жамият ташкилий тузилмаси номукамаллиги, шунингдек жамият бўлимлари ва ходимларининг вазифаларини тўғри тақсимланмаслиги юзасидан;
- Жамиятнинг ички тизимлари, жараёнлари, ахборот технологиялари, ходимлар ҳаракатларида йўл қўйилган ҳатоликлар ёки ташқи табиий жараёнлар, шу жумладан табиий офатлар, натижасида жамиятда юзага келадиган молиявий йўқотиш билан боғлиқ хатарлар.

- жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар, жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар мавжуд эмас.

37. Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар.

Хатарларни бошқаришда жамият сиёсатида, берилаётган кредитларни куйидаги мезонларига асосан бошқарилади:

- Берилаётган кредитлар муддатлари бўйича;
- Берилаётган кредитнинг мақсадлари бўйича;
- Берилаётган кредитни қамраб олиш майдонлари бўйича;
- Берилаётган кредитнинг таъминоти бўйича.

38. Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар:

- а) уставга кўра устав капиталининг миқдори- 4 002 000 000 сўм;
- б) бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича устав капиталининг миқдори- 4 002 000 000 сўм;
- в) устав капитали тўланган қисмининг ҳажми- 4 002 000 000 сўм.

39. Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўм.

“Агротахлил” аудиторлик ташкилоти МЧЖ Водий минтақавий филиали аудитори хулосасига кўра, 2020 йил 25 ноябрь санасига тузилган жамиятнинг бухгалтерия баланси маълумотига асосан ўз капитали миқдори 4 265 620,0 минг сўмни ташкил қилади.

40. Захира фонди тўғрисидаги маълумот.

Жамият Уставининг 8-бобига мувофиқ, Захира фонди жамият устав капиталининг ўн беш фоизидан кам булмаган миқдорда ташкил этилади. Захира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаган мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

Захира фонди мазкур облигация чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги ҳақиқий миқдори (бухгалтерия балансининг маълумотлари бўйича) 78 406,0 минг сўмни ташкил қилади.

Жамият захира фонди мазкур облигациялар чиқарилиши тасдиқланган санага тўла шакллантирилмаган.

41. Асосий молиявий кўрсаткичлар.

Жамият фаолияти 2019 йил якуни бўйича тузилган молиявий баланс хисоботи бўйича куйидаги кўрсаткичларга эга:

(минг сўмда)

Ўзувлар мазмуни	2019 йил якуни бўйича
АКТИВ	
Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати	175 129.0
Кредитлар	3 773 534.0
Кассадаги нақд пул ва бошқа тўловлар	13 742.0
Банкларга қўйилган депозитлар	7535.0
Олиниши лозим бўлган фоизлар	284 320.0
Бошқа активлар	4 880.0
Жорий активларнинг жами	4 259 139.0
Баланс активи бўйича жами	4 259 139.0
ПАССИВ	
Устав капитали	2 002 000.0
Резерв капитали	51 830.0
Қўшилган капитал	0.0
Жорий йил фойдаси	150 576.0
Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш	33 688.0
Жами капитал	2 238 094.0
Узоқ муддатли мажбуриятлар	0.0
Жорий мажбуриятлар	2 021 045.0
Жами мажбурият ва капитал	4 259 139.0

Жамиятнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи кўрсаткичлари қуйидагича:

(минг сўмда)

Ўзувлар мазмуни	2019 йил якуни бўйича
Ҳоизли даромадлар	1 416 141.0
Ҳоизли харажатлар	301 080.0
Ҳоизсиз даромадлар	31 482.0
Ҳоизсиз харажатлар	23 799.0
Кредитлар бўйича қутилган зарар	10 276.0
Операцион харажатлар	526 881.0
Ҳойда солиғи	55 012.0
Соф фойда	530 576.0

Жамият юқоридаги маълумотларга асосан жамият қуйидаги кўрсаткичларга эга:

1. Жорий ликвидлик = $\frac{\text{Жорий активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = 2.02$
2. Абсолют ликвидлик = $\frac{\text{Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = 1.88$
3. Активлар рентабеллиги = $\frac{\text{Соф фойда}}{\text{Жами активлар ўртача қиймати}} = 12.0\%$
4. Хизмат кўрсатиш рентабеллиги = $\frac{\text{Хизмат кўрсатишдан ялпи фойда}}{\text{Кўрсатилган хизматдан сотишдан соф тушум}} = 36.6\%$
5. Молиявий барқарорлик = $\frac{\text{Хусусий капитал + Узок муддатли кредит ва қарзлар}}{\text{Баланс валютаси}} = 52.5$
6. Мустақиллик коэффициентлари = $\frac{\text{Хусусий капитал}}{\text{Жами активлар қиймати}} = 54.8$
7. Тўлов қобилияти = $\frac{\text{Жами активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар + Узок муддатли мажбуриятлар}} = 2.1$

42. Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар.

Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган “Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисида”ги йўриқнома (12.10.2007й. 1728-сон) ва жамиятнинг ички ҳисоб юритиш сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

43. Сўнги 3 йил тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм.

Жамият сўнги 3 йил тугалланган молиявий йил учун фаолиятидан топган даромадини қуйидаги йўналишларга сарф қилган:

(минг. сўм ҳисобида)

№	Мазмуни	2017 йил	2018 йил	2019 йил
1	Жами даромад	505 713	788 820	1 447 623
2	Жами ҳаражат	324 988	420 457	862 036
Шу жумладан:				
а	фоизли ҳаражатлар	85 533	86 170	301 080
б	фоизсиз ҳаражатлар	25 525	17 616	23 799
в	Кредит резерв ҳаражати	7 542	31 906	10 276
г	операцион ҳаражатлар	206 388	284 765	526 881
3	Жами фойда	180 725	368 363	585 587
4	Солиқлар	25 293	39 483	55 012
5	Соф фойда	155 432	328 880	530 575
Мазкур соф фойда қуйидгича тақсимланган:				
6	Жамият захира фондига	7772	16444	26529
7	Жамият таъсисчиларига тўланган дивидендлар	147 732	312 480	502 845

44. Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнги йил учун аффилиланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар.

Жамият ушбу облигация эмиссия рисоласи тасдиқланган кунгача аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаган.

45. Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади.

Жамият активларининг умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган актив сирасига кирган нотураар бино-иншооти мавжуд.

Бино-иншоот тўғрисидаги маълумотлар:

- Жойлашган манзили: Андижон шаҳар, 2-кичик даҳа, 42/2;
- Умумий майдони: 130.97 квадрат метр;
- Бино тоифаси: Нотураар;
- Бинонинг балансидаги қиймати: 600 000.0 млн сўм;
- Бинога нисбатан гаров объекти ёки бошқа юкланган мажбуриятлар мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар мавжуд эмас;
- Бинодан келгусида фойдаланиш истикболи: Жамият келгусида бинодан филиал фаолиятини ташкил қилган ҳолда фойдаланишни кўзда тутган.

46. Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи мавжуд эмас.

47. Жамиятнинг асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга, жамиятнинг асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи 1 325,0 млн. сўмни ташкил қилади.

48. Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи.

Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи мавжуд эмас.

49. Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамиятнинг қуйидагича сўндирилмаган кредитлари (қарзлар) мавжуд:

1-чи кредит тўғрисидаги маълумот:

- кредит ташкилоти (қарз берувчи) номи: "Hamkorbank" АТБ Амалиёт бошқармаси;
- кредит (қарз) шартномасининг асосий шартлари: Жамият айланма маблағи учун;
- кредит (қарз) шартномасининг бошлаш ва тугаш санаси: 20.02.2020 йилдан 02.03.2021 йилгача, №04934759/0166/08-сонли кредит шартномага асосан;
- кредит (қарз) шартномаси суммаси, сўм: 730.0 млн сўм;
- кредит (қарз) шартномасининг сўндирилмаган тўлов қисми, сўм: 325.0 млн сўм.

2-чи кредит тўғрисидаги маълумот:

- кредит ташкилоти (қарз берувчи) номи: "Hamkorbank" АТБ Амалиёт бошқармаси;
- кредит (қарз) шартномасининг асосий шартлари: Жамият айланма маблағи учун;
- кредит (қарз) шартномасининг бошлаш ва тугаш санаси: 28.08.2020 йилдан 07.09.2021 йилгача, №04934759/0615/07-сонли кредит шартномага асосан;
- кредит (қарз) шартномаси суммаси, сўм: 1 000.0 млн сўм;
- кредит (қарз) шартномасининг сўндирилмаган тўлов қисми, сўм: 1 000.0 млн сўм.

Мазкур кредитлар бўйича эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамиятнинг муддати ўтган тўлов қисми мавжуд эмас.

50. Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўм.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамиятнинг солиқ тўловлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорликлари мавжуд эмас.

51. Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар.

Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқланган кунга қадар, жамиятактивлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамият инвестициялари мавжуд эмас.

6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

52. Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот.

Мазкур облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги Қарор ва Эмиссия рисоласининг асли нусхалари билан Андижон вилояти, Андижон шаҳар, А.Темур шох кўчаси 44-а уй манзилида жойлашган жамиятнинг маъмурий биносида, ҳафтанинг иш кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача бўлган вақт давомида танишиш мумкин.

Шунингдек облигацияларни чиқарилиши тўғрисидаги Қарор ва Эмиссия рисоласининг нусхалари билан:

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг корпоратив ахборотлар ягона портали (www.openinfo.uz);
- жамиятнинг сайти (www.imkonfinans.uz) орқали танишиш мумкин.

53. Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари.

Ушбу облигацияларни чиқарилиши билан боғлиқ ахборот-маълумот тизимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича веб-сайтларда ошкор қилинади:

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг корпоратив ахборотлар ягона портали (www.openinfo.uz);
- жамиятнинг веб-сайти www.imkonfinans.uz.

54. Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Мазкур рисола бандларида жойлаштирилган жамият тўғрисидаги барча маълумотлар ошкор этилган.